




Тоҳир МАЛИК,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Жаҳолатга қарши кураш жабҳасида зиёлиларнинг ўрни

Мардуд бўлган шайтон шарридан қутулмоқ учун Аллоҳ таолодан паноҳ тилаймиз. Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ таолога иймон келтирган, Унинг марҳаматларига умид қилган ҳолда Унинг номи билан сўз бошлаймиз. У Зот дунё ва охиратда бандаларга меҳрибондир.

Бугунги кунлардаги хайрли ўзгаришларга қараб, ислом илмининг янги баҳори кўз очяпти, деб шодланыпмиз. Аллоҳга шукрки, Ўзининг иродаси ва муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари ҳамда саъй-ҳаракатлари билан диний-маърифий соҳада кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди. Ислом академиясининг ва бошқа илмий марказларнинг ташкил этилиши фикримиз далили. Айниқса, бу баҳор Ўзбекистонда Қуръони карим тиловати мусобақасининг уюштирилиши алоҳида хайрли ва файзли, айтиш чоғда, тарихий воқеа бўлди.

Ўтмишда ислом илми тараққиёти учун беқиёс ҳисса қўшган улуғларимизнинг анъаналари янги куч билан ўзимизда давом этади, яқин йилларда XXI асрнинг термизийлари, бухорийлари, марғи-нонийлари ўз илмлари билан дунё аҳлини лол қолдиради, деб Аллоҳдан умид қиламиз. Узоқ эмас, 20 йил аввал тарових намозларидаги ҳатми Қуръонларда мисрлик, туркиялик қорилар хизмат қилишган эди. Қорилар мусобақасидан кўриндики, энди бизнинг қориларимиз у мамлакатларга



бориб хатми Қуръонга ўтишлари ҳам мумкин экан. Бунинг учун ҳам Аллоҳга шукрлар қилганимиз ҳолда азиз ёшларимизнинг устозлари ҳақиқага дуолар қиламиз. Ана шундай умидбахш кунларда атрофимизга ҳақиқат кўзи билан қарасак, ҳали жаҳолат ботқоғи, ундаги пўпанаклар ҳам бор эканини кўрамиз ва бу ҳақиқатдан кўз юммаслигимиз керак. Зеро, бугунги ўзгаришларнинг барчаси жаҳолатга қарши курашга қаратилган. Бировнинг айбини ёки қусурини айтадиган бўлсак, «ақлсиз», «тентак», «эси йўқ» ёки дабдурустан «ахмоқ» деб қўя қоламиз. «Жоҳил» деган иборани камдан-кам ҳолларда тилга оламиз. Орамизда жоҳил камми? Жоҳил ким ўзи? Жоҳилликдан бесаодатроқ яна нима бор?

Инсонлар бошига тушадиган кулфат ва зулмнинг асосий боиси жаҳолатдир. Кулфат ва зулмдан халос бўлишнинг ягона давоси эса – илм. Жаҳолат ҳомийлари инсониятнинг энг ашаддий душманлари ҳисобланадилар. Тилимиздаги «жаҳолат», «жоҳиллик» атамалари нодонликни ва бу нодонликни туғдирувчи билимсизликни англатади. Ёмонликнинг уч манбаи борлигини айтадилар: шайтон, нафс ва жоҳиллик. Ҳар қандай ёмон хулқнинг бошида нафс ва шайтон туради. Жаҳолатнинг турлари кўп, улардан учтасини алоҳида таъкид этиш керакки, қолганлари шу учтасидан баҳра олади: *умуман, ҳеч нарса билмаслик; *ҳамма билган нарсаларни жуда ёмон билиш; *лозим бўлмаган нарсаларни билиш.

Жаҳолат ҳақиқатдан беҳабарликдир. Жоҳилни таълим-тарбия кўрма-

ган, ҳеч ерда ўқимаган, дипломсиз одам, деган маънода тушунмаслик керак. Жоҳилликнинг асли моҳиятни билмасликдир. Шунинг учун олимпикнинг юқори поғоналарига даъво қилувчилар орасида ҳам жоҳилликни учратиш қилиш мумкин. Бунга сабаб: диний илмнинг озлиги, илоҳий ҳикматларни билмаслик, ижтимоий, ахлоқий маданият танқислигидир. Жаҳолат одамни дунёга бефарқ қилиб қўяди, бепарволик эса секин-аста, аммо чекиниш билмай саратон ўсмасидек улғаяверади. Шунинг учун ақл эгаси жаҳолатга тўқнаш келгани ҳамон чарчоқ ва дам олиш нималигини билмай унга қарши зарба бериши керак. Зарба кетидан зарба беришни тўхтатмаслиги зарур. Бу жараён умр бўйи давом этадики, буни эплай олмаган кимсанинг ҳаёти паришонликда ўтади.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари илм ўрганиш билан шуғулланмайдиган, илмдан йироқ кишиларни «нодон» деб атайдилар. Жоҳилликлари аниқ бўлгани сабабли ҳам улар нодондирлар.

Аввал-охир хўблар кетти,
қолдим ёлғиз,
Нодонлардин эшитмадим
бир яхши сўз.
Доно кетти, нодон қолди,
едим афсус,
Йўлни топмай, ҳайрон бўлуб
қолдим мано.

Ислом инсон тарбиясида, аввало, жоҳилликни бартараф этишга алоҳида аҳамият беради. Чунки банданинг Аллоҳни худди кўриб тургандек ибодат қилиши қурбиятнинг аломати. Қаерда турганини билмаслик эса ғафлат ва жоҳиллик аломатидир. Ду-



нёга нима учун келганини билмаган, ҳатто сўрамаган, айниқса, бу хусусда тинглашни истамаган киши энг ҳавфли жоҳилдир. Ислонда фақат билиш кифоя эмасдур, билганига амал қилиш лозим. Фақатгина билиб амал қилгани ҳам кифоя эмас, амалларни фақат Аллоҳ розилиги учун қилиш зарур. Кишининг олим бўлмоғига Аллоҳдан қўрқмоғи, жоҳил бўлиб қолмоғига эса амали билан гердаймоғи кифоядир. Жоҳилнинг биламан, дегани кўрнинг кўраман, дейишига ўхшайди. Ўзининг илмига, мартабасига мағрур бўлиб, кеккайиб кетиш жоҳилликнинг бир хилидир. Ҳақиқатни инкор этиш жоҳилликдир. Шу ўринда «экстремизм» атамасига тўхталсак: бу атама ўрнига «мутаассиблик» (фанатизм) дейиш тўғрироқ. Чунки жаҳолат мутаассибликни, мутаассиблик эса экстремизмни туғдиради. Фанатизмнинг барча тури жамият учун ҳавфли: футбол фанатлари, рок фанатларини эслайлик. Дин фанатлари (яхудийми, насронийми, буддавийми – фарқи йўқ) эса янада ҳавфли – Токио метросидаги фожиани эслайлик...

Жаҳолат – жуда катта майдонни қамраб олган қудратли қалъа. Бу қалъада тош қалблар ҳукмрон. Аслида қалъа ҳимоя воситаси, лекин жаҳолат майдонидаги қалъа ҳужум учун бир майдон. Жаҳолат ҳимоячи эмас, ҳужумкор. Унинг ҳужумига далда берувчи ташқи ва ички кучлар бор. Шу пайтга қадар, агар таъбир жоиз бўлса, муҳтарам имомларимиз, уламоларимиз жаҳолатга қарши курашда ҳимоя услубини қўллашаётган эди...

Тиббиёт тили билан айтганимизда, жаҳолатни оғир ҳасталик десак,

бу ҳасталикни оғриқ қолдирадиган «аналгин» ёки «ношпа» каби дорилар билан даволаб бўлмайди. «Тез ёрдам» келса, шу дориларни беради-ю. кетади. Жаҳолатга қарши давода бу услуб ярамайди. Шу ҳасталикни енга олувчи дорилар билан даволаш зарур. Бу дорининг номи – илм.


Бугун жаҳолатга қарши ҳал қилувчи кураш бошланганида зиёлилар яна биринчи сафда бўлишлари шарт. Чунки сўзнинг таъсир кучи қиличдан ҳам ўткир экани сир эмас. Одамзоднинг табиати, руҳий ҳолати шундайки, оддий тўғри гапни эшитади-ю, дарров унутади. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда рамзлар, образлардан фойдаланилади. Бу нарса Қуръони каримда, шарафли ҳадисларда ҳам бор. Ғийбатнинг ёмонлиги ҳақида кўп гапирилади. «Ғийбат гуноҳ» деб қўйишнинг таъсири билан оятда зикр этилган «Ўз биродарингнинг гўштини ейсанми?» деган гапнинг таъсири орасида катта фарқ бор, шундай эмасми? Бу образли гап ҳар қандай тошқалбни зириллатиб юборади ва умрбод ёдида қолади. Ёки Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳасад ўти одамнинг ўзини ейиши ҳақидаги гаплари-чи? Мумтоз адабиётимизни мумтоз қилган ҳам айнан шу услуб эмасми? Масалан, Қуръон мўъжизаларининг илмий асосларини имом айтгани бошқа, олим айтгани бошқа. Олимники ишончлироқ бўлади.

Кейинги аср адабиёт тарихини синчиклаб ўргансак, дин илмидан бебаҳра адибларнинг жиддий хатоларга дуч келамиз. Ўзбек совет адабиёти тарихий асарларидаги қаҳрамонларнинг беш ракаат намоз ўқишларига




нима деймиз? Ёки Туркистондан 20 чақирим масофадаги Иқон қишлоғида қаср намози ўқилиши-чи? Ёки: машҳур шоирнинг «ла илаҳа»ни дилга жо қилиб», деган сатри-чи? У «Ла илаҳа» – «Аллоҳ йўқ» дейиш билан «Ла илаҳа иллаллоҳ» – Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ»нинг фарқига бормаслиги адабиёт аҳлининг ўз асарларида дин билан боғлиқ ҳолатларни ёритишларида муаммолар борлигини исбот этади.

«Абдулла Қодирий асарларида динга қарши фикрлар мавжуд», деган гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Бу хато тушунчадир. Улуғ адибда динга қарши эмас, Абдурахмон ёки Ҳомидга ўхшаб динни бузаётганларга қарши фикрлар мавжуд. «Меҳробдан чаён»даги «Чаённинг намоиши» аталмиш бобда масжид ҳужрасининг таърифини эслайлик: «...ҳужранинг тўрдаги тоқчасига беш-олти дона қалин муқовалиқ китоблар терилган, уларнинг варақ таҳида – «Шарҳи Мулло Жомий», «Ақоиди маълҳавоший», «Ҳикмату-л-айн», «Ал-Виқоя», «Сияри шариф» каби сўзлар ёзилган эди. Кун ботиш тоқча девориға гул равишида туширилган дуо ёки шунинг каби муқаддас калималар ёзиғлиқ бир қоғоз ёпиштирилган», деб аниқлик киритилади. Китобларнинг номлари нима учун айнан берилди? Аввали шуки, адиб мадрасада таҳсил олганларида буларни ўқиганлар. Лекин бу ўринда мақсад билимларини шунчаки ошқор қилиш эмас. Бу китобларни ўқиб, тушунган одам, ундаги кўрсатмаларга амал қилиши, яъни комил инсон бўлиши керак. Аллоҳ таъқиқлаган иллатлардан қутилган бўлиши шарт. Лекин бу илмдан бохабар уч инсон китоблар



ёнида ўтириб, «бир-бирларингга зулм қилманглар», дейилгани ҳолда зулмни касб этганлар, «ғийбат қилманглар, ғийбат ўлик биродарингизнинг гўштини ейиш каби гуноҳдир», дейилган бўлса-да, ғийбат гўшtidан ҳузурландилар, фитна тўрини тўқийдилар. Яна Анфол сурасидаги «Инналлоҳа маъас-собирин» – «Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир» оятини тилга олдилар. Муфтига далда бериш учун Калоншоҳ мирзо оятнинг бир чимдини узиб олиб, ўз нафслари йўлида фойдаланган. Агар улар бу оятнинг маъносига амал қилганларида Аллоҳнинг ғазабига учрашдан қўрққан ва фитнага аралашмаган бўлар эдилар. Оятнинг асл маъноси бундай: «Эй мўминлар, Аллоҳ ва Расулига итоат қилинглар, буюрганини бажо келтиринглар, ўзаро низо қилманглар. Агар Аллоҳ ва Расулининг ҳукмига хилоф қилар экансизлар, дилларингизда қўрқув пайдо бўлиб, сизлардан душманнинг муқобилига қувват кетади, яъни сустлашиб, заифлашиб қоласиз.



Кулфатларга сабр қилинглар. Аллоҳ таоло собирлар билан биргадир». Жамиятдаги ўзаро низо зўр офатлардан ҳисобланади. Бундан Аллоҳ аниқ огоҳлантиряпти, яъни низо куч-қувватлари кетади. Тарихдаги барча кулфатлар, мағлубиятлар сабр қилмаслик ва ички низолар туфайлидир. Адибнинг маҳорати шундаки, бу фосиқлар «низо қилманглар», деган буйруқни тилга олганлари ҳолда, Аллоҳнинг амрига очиқ қарши чиқяптилар. Бугуннинг адиби мана шундай ҳолат тасвирини бермоқчи бўлса, шунчаки «Сабр қилинг, дўстим» ёки «Сабрнинг таги олтин», деб қўярмикин? Абдулла Қодирийнинг маҳорати шундаки, у назик томирни топа олган.

Тўғри, адабиётда ҳам динга қарши очиқчасига масхара, ҳатто ҳақоратлар бўлган. Лекин барча асарларни шу қолипга солиб бўлмайди. Инсофли ёзувчиларимиз динга эмас, дин ичидаги қораликларга қарши бўлишган.

Адабиёт оламидан назарни олиб, санъат оламига қарасак, жаҳолат бо-

бида янада афсусли манзараларни кўрамиз. Санъаткорларнинг беодоб, беҳаёликлари ҳам жаҳолат туфайлидир. Бир қўшиқчи «Қора кўзим»даги «Таковаринг» сўзини «Такроринг» деб айтди. У «таковар» сўзи отни англатишини билмас экан. Билгач, «Нима учун отнинг оёғига хина боғлашади?» деб ажабланди. Адабиёт, хусусан, тасаввуф адабиёти ундаги чуқур маънолардан бегона санъаткорлар кам эмас. Шунинг учун ҳам «Сайдинг қўя бер, сайёд» марсия эканини англамай, рақсга тушаверадилар, «Муножот» Аллоҳга илтижо эканини ҳам тушунмайдилар.

Азиз ёшларимизни Аллоҳга бўлган ишқ қандай бўлиши кераклиги билан таништиришимиз керак. Ишқ нима эканини билмаса, саждага бориб келавергани билан жоҳиллигича қолаверади. Ишқ илми қалбни очади. Бу тарбия учун тарих адабиётидан мисоллар ғоятда кўп.

Худога шукр, бугун диний-маърифий адабиётлар кўплаб нашр этиляпти. Қуръони карим маънолари таржима қилинди, тафсир китоблари ёзилди.

Жаҳолатга қарши кураш бу фақат диний масала эмас, балки ижтимоий масаладир. Жаҳолатнинг чекиниши миллатнинг саломатлигини таъминлайди. Жаҳолат чекинар экан, Аллоҳ таборак ва таоло Ватан осмонидаги саодат қуёшини порлатиб қўяди. Ана шу саодатга етишмоқлик насиб этсин.

Вассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху.